

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.72.30.009>**Холмуродов Аъзам,***Жиззах вилоят халқ таълими ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази директори, иқтисод фанлари номзоди*

Аннотация: мазкур мақолада халқ таълими ходимларини малакасини ошириш жараёнларини ислоҳ қилишда таълим беришнинг замонавий назарияларини ўзлаштириш, педагогик психологияни тушуниш, таълим беришда компетентлик ҳамда шахсга йўналтирилган ёндашувлар асосларини эгаллашни кўзда тутган ҳолда малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш мазмуни ва методларини янгилаш, баҳолаш тизимини қайта кўриб чиқиш, таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш талқин этилган. Шунингдек, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий механизмларини амалиётга татбиқ этиш хусусида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар. инсонпарварлаштириш, индивидуаллаштириш, табақалаштириш, демократлаштириш, ўқув фанларини интеграциялаштириш, ижодкорлик методологияси, компетентлик, масофавий таълим, инклюзив таълим, электрон платформа.

**МЕХАНИЗМЫ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ УЧИТЕЛЕЙ
ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛ****Холмуродов Аъзам,***директор региональный центр переподготовки и повышения квалификации работников народного образования Джиззакской области, кандидат экономических наук*

Аннотация. В данной статье рассмотрены содержание и методы обучения на курсах переподготовки и рассмотрена система оценивания, с целью овладения современными теориями образования в реформировании процесса повышения квалификации работников народного образования, понимания педагогической психологии, педагогической компетентности и овладение основами личностно-ориентированных подходов качественное обновление содержания системы образования. Также имеется информация о внедрении современных механизмов переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров.

Ключевые слова и понятия: гуманизация, индивидуализация, стратификация, демократизация, интеграция учебных дисциплин, креативная методика, компетентность, дистанционное обучение, инклюзивное образование, электронная платформа.

**THE MECHANISMS OF PROFESSIONAL DEVELOPMENT OF TEACHERS
OF GENERAL SECONDARY SCHOOLS**

Abstract. This article reviews the content and methods of training in retraining and retraining courses, reviewing the assessment system, with a view to mastering modern theories of education in the reform of the process of professional development of public educators, understanding pedagogical psychology, competence in teaching and acquiring the basics of person-centered approaches. Qualitative updating content of the educational system. There is also information on the implementation of modern mechanisms for retraining and advanced training of teachers.

Key words and concepts: humanization, individualization, stratification, democratization,

integration of educational disciplines, creative methodology, competence, distance learning, inclusive education, electronic platform.

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимидаги ислохотлар тизимида умумий ўрта таълим мактабларининг замонавий инфратузилмасини шакллантириш, таълим-тарбия жараёнларини инновацион ёндашувлар асосида ташкил этиш ҳамда инсон капиталини меҳнат бозорига ва умуман мамлакатда ўқувчининг рақобатбардошлик даражасини белгиловчи асосий омил сифатида ривожлантириш масалаларига алоҳида устуворлик берилди.

Бугунги кунда халқ таълим ходимларини малакасини ошириш тизимида:

– директор ва ўқитувчилар билиши ва бажариши керак бўлган аниқ белгиланган миллий стандартларнинг мавжуд эмаслиги, уларнинг салоҳияти ўсишига ҳамда амалдаги муассасалар раҳбарларини танлаш ва тайинлаш тартибининг самарасизлигига олиб келаётганлиги;

– мавжуд малака ошириш тизими ўқитувчилар эҳтиёжларига мос эмаслиги, малака ошириш курслари мазмуни ва қўлланиладиган усуллар эскирганлиги, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини қўллаш орқали ўқитувчиларни масофадан қайта тайёрлаш механизми йўлга қўйилмаганлиги ўқитувчиларнинг билим ва малакасини тизимли ошириб бориш имконини бермаётганлиги;

– халқ таълими тизимида ижтимоий ва давлат-хусусий шерикликнинг ривожланмаганлиги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг таълим соҳасидаги муаммоларни ҳал этишдаги иштирокини чекланаётганлиги каби муаммоларни санаб ўтиш мумкин бўлади.

Шу билан бирга, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтларида фаолият юритаётган педагог ходимларнинг илмий салоҳияти, дарс бериш сифати замон талабларига жавоб бермаяпти. Ходимларнинг илмий изланишлар билан шуғулланишлари қониқарли эмас, уларнинг фаолиятини ташқи баҳолаш тизими самарали йўлга қўйилмаган.

Юқорида келтирилган вазиятлардан келиб чиқиб, халқ таълими тизими ходимларини малакасини ошириш жараёнларини ислох қилишда таълим беришнинг замонавий назарияларини ўзлаштириш, педагогик психологияни тушуниш, таълим беришда компетентлик ҳамда шахсга йўналтирилган ёндашувлар асосларини эгаллашни кўзда тутган ҳолда малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш мазмуни ва методларини янгилаш, баҳолаш тизимини қайта кўриб чиқиш стратегик йўналишлардан бири сифатида белгиланди.

Яқин кунларгача, амалдаги тартибга асосан, халқ таълими муассасалари педагоглари камида 5 йилда бир маротаба ўз малакаларини ошириб, малака ошириш давомида педагогика, психология ҳамда ўқув фани методикаси, замонавий ахборот ва педагогик технологияларнинг имкониятларидан хабардор бўлган ҳолда уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича билим, кўникма ва малакалар шакллантириб келинар эди.

Шу билан бирга, малака ошириш даврийлиги ва муддати унинг мазмунига ҳам жиддий таъсир кўрсатиб, таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек малакали профессионал педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий механизмларини амалиётга татбиқ этиш заруратини юзага келтирди.

Мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисидаги Низомга мувофиқ, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг асосий вазифалари:

педагог ходимларнинг касбий билими, кўникмаси ва маҳоратини узлуксиз янгилаб бориш, замонавий талабларга мувофиқ таълим сифатини таъминлаш учун зарур даражада касбий тайёргарликни ошириш;

мустақил фикрлаш кўникмаларини сингдириш, педагогик нуфуз ва компетентликни ривожлантириш;

ўз педагогик фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини яратиш кўникмаларини шакллантириш;

илмий-педагогик ижодкорлик методологияси ҳамда педагогика фани ва соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича билимларни сингдириш;

ўқув-тарбиявий ва маънавий-ахлоқий ишларни амалга оширишда илғор таълим-

тарбия технологиялари ва жаҳон тажрибасидан фойдаланиш кўникмаларини мустаҳкамлаш; педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мазмунини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ҳамда ўқув-методик ишларни олиб бориш кўникмаларини шакллантириш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг тўғридан-тўғри шакллари амалиётга жорий этиш;

педагог ходимлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни ўзлаштириш учун кўшимча шарт-шароитлар яратиш;

олий таълим муассасалари кафедраларининг мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари билан ўзаро интеграциясини таъминлаш, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш сифатида белгиланган .

Шу билан бир қаторда, бугунги кунда педагог кадрлар малакасини оширишнинг бир қатор ноформал шакллари ҳам амалиётда кенг қўлланилмоқда. Булар:

– қисқа муддатли курслар;

– муаммовий (мақсадли) курслар;

– ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўзини-ўзи касбий ва шахсий ривожлантиришга йўналтирилган – ижодкор педагог ҳузурида малака ошириш (асосан муаллифлик курслари);

– телекурслар, онлайн курслар;

– масофадан туриб ўқитиладиган қисқа муддатли курслар.

Бу каби малака ошириш курсларининг ўқув режаси 36-72 соатгача мўлжалланган бўлиб, одатда, улар алоҳида мавзулар бўйича машғулотларнинг методик ишланмаларини топшириш, суҳбатлашиш ёки умумлаштирувчи семинар машғулотларини ўтказиш билан яқунланади.

Малака ошириш тизимидаги мазкур шакллар таълим жараёнларини марказлашган ҳолда ташкил этиш, ягона бошқарув ва назорат-баҳолаш тартибини жорий этиш учун қулайлик яратса-да, аммо мазкур жараёнларни ташкил этишнинг амалий механизмларини тўлақонли амалиётга татбиқ этилмаганлиги, ўз устида ишлаган педагог-раҳбар ходимларни рағбатлантириш ва табақалаштирилган таълим дастурлари асосида ўқитишнинг йўлга қўйилмаганлиги, шунингдек, таълим мазмуни таълим хизматларининг истеъмолчиси, яъни тингловчи (ўқитувчи, мутахассис, директор ва бошқ)нинг эҳтиёжларига йўналтирилмаганлиги бу борадаги жиддий муаммолар ва бўшлиқларни юзага келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-4963-сон қарорининг қабул қилиниши асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан саналади.

Мазкур норматив-ҳужжатлар билан, халқ таълими тизими ходимларини малакасини ошириш тизимида қуйидаги инновацион ёндашувлар жорий этилди:

– соҳадаги раҳбар ва педагог-ходимларни “ҳаёт давомида ўқиш” тамойили асосида узлуксиз малака ошириш тизимида трансформация қилиш;

– халқ таълими ходимлари ўз ихтиёрига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларида, педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида ёки лицензияга эга нодавлат таълим ташкилотларида малакасини ошириши мумкинлиги;

– халқ таълими ходимларининг малака ошириш бўйича эҳтиёжларини ўрганиш, ҳамда «Узлуксиз касбий таълим» махсус электрон платформасини амалиётга жорий этиш орқали уларнинг индивидуал касбий ривожланиш траекторияси тузилади;


– халқ таълими ходимларини уларнинг малака даражаси, билими, илмий-педагогик салоҳияти, иш тажрибаси, психологик тайёргарлиги ва индивидуал касбий ривожланиш траекториясига мос келадиган табақалашган малака ошириш дастурлари бўйича ўқитиш амалиётини йўлга қўйиш;

– анъанавий малака ошириш билан бир қаторда касбий ўқитишнинг уйғунлашган, иш жараёни билан биргаликда олиб бориладиган, масофавий ва бошқа турларини жорий этиш;

– халқ таълими ходимлари малакасини оширишнинг муқобил шакллари ҳамда кредит-модул тизимини амалиётга жорий этиш кабилардир.

Бизнинг фикримизча, малака ошириш жараёнлари тингловчиларнинг касбий фаолиятини моделлаштиришга, унинг мураккаб касбий вазифаларни ҳал этиш борасидаги

компетенцияларини ривожлантиришга, шахсий ривожланишига ҳамда меҳнат бозори талаблари асосидаги касбий ривожланиш траекториясини такомиллаштиришга хизмат қилиши лозим. Бунда малака ошириш таълим дастурлари мазмуни, ўқитиш шакллари ва методларининг билим, кўникма ва малакалар ҳажмини ортиришга эмас, аксинча амалий йўналтирилган компетенцияларни қарор топтиришга хизмат қилиши муҳим саналади.



Малака ошириш жараёни мазмуни қатъий тартибда давлат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида ташкил этилади.

Шу ўринда, норматив ҳужжатлар тўғрисидаги Қонунга мувофиқ қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатга айтилиши ни ёдга олишнинг ўзи кифоя.

Малака талаблари мазмунида халқ таълими ходимларининг барча тоифалари учун умумий бўлган компетенциялар таркиби қуйидагича белгиланди. (1-жадвал)

Компетенциялар гуруҳи	Мазмуни
Педагогик компетенция	Таълим мазмуни, таълим олиш сифатини оширишга қаратилган турли стратегия, технология ва методлардан фойдалана олиш, педагогик жараёнларни лойиҳалаштириш ва бошқариш асосидаги компетенциялар тизими
Коммуникатив компетенция	Ўзгалар фикрини ҳурмат қилишни намойиш эта олиш, ўзаро муносабатларни ўрнатишга қаратилган мулоқот шакллари танлай олиш, таълим жараёни сифатини ошириш ва таълим олувчиларнинг ўқув эҳтиёжларини кондириш мақсадида ўз ҳамкасблари билан АКТнинг турли воситалари ёрдамида алоқа ўрната олиш ва ҳамкорлик қилиш
АКТ ва медиа компетенция	Соҳага оид ахборотларни таҳлил этиш, баҳолаш, қайта ишлаш ва янги маълумотларни яратиш, шунингдек таълим жараёнида АКТдан фойдаланишнинг ижтимоий, ҳуқуқий ва ахлоқий нормалари аҳамиятини тушуниш, АКТдан фойдаланган ҳолда таълим олиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган таълим стратегияларини жорий этиш мактаб бошқарувида ва фанларни ўқитишни самарали ташкил этишда АКТ воситаларини жорий этилишини таъминлаш, медиафаоллик
Ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси	Касбий ва шахсий ривожланиш траекториясини белгилай олиш, ўз-ўзини касбий ва шахсий ривожлантириш стратегияларини, мотивацион механизмларини танлай олиши, доимий тарзда ўз касбий малакасини ошириб бориш
Масъулият ва мослашувчанлик компетенцияси	Таълим жараёнида юз бераётган турли ўзгаришларга, янгиланиш жараёнларига тез, осон мослаша олиш, таълимдаги янги ёндашув ва стратегияларни қабул қилиш, уларни эгаллаш ҳамда ўзининг касбий амалиётига жорий эта олиш
Инклюзив таълимни олиб бориш компетенцияси	Алоҳида ривожланиш хусусиятлари ва таълим эҳтиёжларига эга бўлган таълим субъектлари, ходимлар, ўқувчилар билан ишлаш, таълим жараёнига жалб қилишга оид қонун ҳужжатларини билиш ва уларнинг таълим олишларини қўллаб-қувватлашнинг турли стратегияларини билиш, амалиётга татбиқ этиш
Ўқувчиларнинг компетенцияларини ҳолисона баҳолаш маҳорати	Педагогик жараён натижалари, хусусан, ўқувчиларнинг билим ва компетенцияларини шаффоф баҳолашнинг расмий ва норасмий, диагностик ва умумий ёндашувга асосланган баҳолаш усуллари билан фойдалана олиши, педагогик диагностика асосларини билиш ва амалда қўллаши

Малака ошириш жараёнларининг таълим дастури мазмуни малака талаблари ҳамда 1-жадвалда кўрсатилган компетенциялар тизимидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон

Республикасининг таълим соҳасидаги Давлат сиёсати, масъулият ва мослашувчанлик, ахборот коммуникация технологиялари ва медиа саводхонлик, коммуникатив кўникмаларни ривожлантириш, ўзини-ўзи ривожлантириш, узлуксиз касбий ривожланишларни ўз ичига олиб, улар бўйича тегишли янги билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилади.

Юқоридаги айтилганлардан келиб чиқиб, малака ошириш таълим жараёнини ташкил этиш – бу бир яхлит тизим бўлиб, бу тизим таълимий-тарбиявий ва ривожлантирувчи фаолиятнинг мақсад ва мазмуни бирлигини таъминлайди.

Малака ошириш таълим муассасаларидаги ўқув жараёнининг сифати юқоридаги элементларнинг сифатига ҳамда малака ошириш таълим мазмунининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, тингловчиларнинг эҳтиёжларига қанчалик мос келишига боғлиқ. Ўқув жараёнини ташкил этилишини ҳолис баҳоланиши эса, бизнинг назаримизда таълим жараёнини ташкил этилишини, шунингдек, малака ошириш таълим сифатини ҳолис баҳоланишига замин яратади.

Адабиётлар:

1. «Мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисида»ги Низом. 2017 йил.
2. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари / Монография. Т.: Фан, 2007. – Б. 160
3. Василькова Т. Основы андрагогики. Учебное пособие // Кнорус, 2013, 252 стр.
4. Мирсолиева М.Т. Касбий компетентликни ривожлантириш технологиялари. Монография. – Тошкент, “Фан ва технологиялар”, 2018. – Б. 102
5. Пардаева М. Умумий ўрта таълим мактабларида компетенциявий ёндашувни жорий этишнинг методик тизимини бошқариш (информатика ва ахборот технологиялари фани мисолида). Пед.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). Дисс. Автореферати. Тошкент. 2020.
6. Топилдиев В.Р. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари. Тошкент, 2018, 5-бет.
7. Темняткина О.В. Формирование ключевых компетенций у обучающихся в процессе реализации регионального (областного) компонента гос начального и среднего профессионального образования // Электронный ресурс // https://elar.rsvpu.ru/bitstream/123456789/6668/1/spop_2007_018.pdf
8. Юлдашев М. Халқ таълими ходимларини малакасини оширишда таълим сифати менежментини такомиллаштириш. Док. дисс.-Т.: 2016. – Б. 220.